



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 12-noyabr • № 46 (4081)

## “ЁШЛАР ДАДИЛ, ЎЗЛАРИГА ИШОНГАН БЎЛИШСА...”

“Тарихи Рашидий”га ёшлар тарбияси ва “устоз-шогира” аъёнлари тажрибасидан

Яқинда Миллий матбуот маркази Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ибн Муҳаммад Хусайн кўрагон (Муҳаммад Ҳайдар мирзо)нинг “Тарихи Рашидий” асари тақдими бўлди (Муҳаммад Ҳайдар мирзо, “Тарихи Рашидий”, форс тилидан Ваҳоб Раҳмон ва Янглиш Эгамова таржимаси, 2010). Бу асар шу кунга қадар илмий жамоатчиликка форс, турк, рус, инглиз ва бошқа тилларга қилинган таржималари орқали етиб келган бўлса, энди ўзбек китобхони бу нодир ганжинани она тилимизда ўқиш имконига эга.

хислатга эга эканини, унинг тарбияси ва меҳрибонлиги соясида у шогирд сифатида камолга етганини тасдиқлайди: “Подшоҳнинг (яъни Бобурнинг) хизматида келганида, унинг бахт ёғдуси балқиб турган назари менга тушган захоти чексиз раҳм-шафқат ва поёнсиз меҳр-муҳаббат туфайли инжулардек кўз ёшлари нури кўзларидан ипга тизилган дурлардек тўкиларди. У меҳрибонлик билан қаради, марҳаматли қўлини мен тарафга узатди... Уша пайтларда у менга шундай меҳр-муҳаббат ва раҳм-шафқат кўрсатдики, фақат мушфиқ ота-оналаргина ўз фарзандларига шундай муомалада бўлишлари мумкин”.

“Тарихи Рашидий” таржимонлари мазкур нашр сўзбошида шундай ёздилар: “Муҳаммад Ҳайдар кўрагон Кашмир подшоши тахтада ўлтириб, “Тарихи Рашидий” асарида ушбу тарихий воқеаларни ёзар экан, ҳукмдор сифатида шунга тўлиқ амин бўлганки, Султон Саидхонни аввал Андижонда икки йил, сўнгра Мўғилистонда йигирма икки йил хон бўлиб, Саидия давлати асосчиси даражасига етиши – Захриддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг ўша буюк хизмати натижасидир.” Бундан ташқари, Ҳайдар мирзонинг воёга етиши ва камолотга эришишида ҳам Бобурнинг бевосита хизмати бўлган.

эди, олиб Хисор устидан кўпуб, Қундуз сари юзландилар”. Бизнинг мақсадимиз Муҳаммад Ҳайдарнинг ҳаётига

### 2010 йил — Баркамол авлод йили

оид Бобур томонидан келтирилган бу маълумотни шарҳлаш эмас, балки бу теурийзода тақдирга ўша даврнинг икки буюк кишиси — Захриддин Бобур ва Султон Саидхонни том маънода ҳомий, устоз ва сарпараст этиб белгилангани ва бу ёш шахзода ҳаётининг кўпгина машаққатлари, неча ўлимлардан қолиб даврининг зукко тарихчиси, олими, давлат арбобига айланганлигини билдириш ва унинг ёшлари баркамол этиб воёга етказишга оид қарашларидан муҳим бир жиҳатини олиб таҳлил этишдир. Муҳаммад Ҳайдар “Тарихи Рашидий”да отаси — Бобурнинг поччаси Муҳаммад Хусайннинг хиёнатига қарамасдан, унга оталарча меҳрибонлик кўрсатганини қайд этиши яна бир қарра кўз ўнгимизда Бобурнинг юксак инсоний

бўлишлари мумкин”. Муҳаммад Ҳайдар ўша пайтдаги сиёсий ҳолат ва шароит тақозоси билан Қашқарга кетиб қолади ва кейинроқ ўша жойнинг хони бўлган Султон Саидхон уни ўз ҳимоя ва тарбиясига олади. Ҳайдарнинг шахс сифатида камол топиши, илм олиши ва инсоний хислатларни ўзда мужассамлаштиришида Султон Саидхоннинг хизмати катта бўлган. Бу давр султони Ҳайдарда келажакки порлоқ, ақл ва заковатда бошқаларга намуна бўладиган шахсни кўради, чинакамга уни ўзига шогирд қилиб олади ва сабр-бардош билан унда инсоний фазилатларни тарбиялаб, давлатчилик ишларига уни тайёрлаб боради.

Давоми учинчи саҳифада



Бобурнинг ўспирин Султон Саидхон билан учрашуви

## ИЖОДКОРЛАР СОҒ-ОМОН БЎЛСИН

Олтин куз шаҳар кезмоқда. Дарахтлардан тўкилган япроқлар кўчаларда елаётган машиналар шамолда пиртираб ўйнайди. Эрта тонгдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги таъмиридан чиқарилган поликлиникасига йўл олдим. Уч қаватли олпоқ бино пештоқларида кўёш нурали яққираб, кўзингизни қамаштиради. Дарвозадан кирганингизданок сўлим боғчага дуч келасиз. Йўлакнинг чап томонидаги тоқлар ишқомларга ўрмаласан. Ян-яшил яшнаб турган майсалар қашшо баҳор кайфиятини уйғотади. Бироқ дарахтлардан тун бўйи тўкилган қизил-сарик барғлар, Навоий бобомиз таъбири билан айтганда, “ҳазон ситохиза” ҳеч нарса монев эмаслигини аниқлаб турибди. Фиррошлар боғи суғуриб тозаланиб, ҳовли орасти.

— Барчага маълумки, Мустақиллик байрами арафасида Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига туҳфа сифатида поликлиника қайта таъмирланган ва замонавий тиббий аппаратлар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳолда ишга туширилган эди. Уюшма аъзолари ва уларнинг оиласи соғлигини ўйлаб Президентимиз томонидан кўрсатилган ушбу гамҳўрлик учун барча мамнун, — дейди бош терапевт Ҳамидулла Боймуродов. — Ёзувчилар даволангани келиб туришибдими? — Албатта. Нафақат ёзувчилар, балки уларнинг рафиқалари ва оила аъзолари ҳам поликлиникамиз мижозлари саналади. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муассислигида чоп этиладиган газета-журналлар ижодий ходимлари, “Дўрмон” ижод уйи меҳнат жамоаси ҳам поликлиникамиз аъзоларицир. — Даволаш-профилактика ишлари қай тарзда йўлга қўйилган? Уюшма аъзоларига хизмат кўрсатилган шифокорлар иш тартиби қандай? — Шифохонамида энг малакали терапевт, кардиолог, невропатолог, хирург, уролог, гинеколог, травматолог, стоматолог, окулист, лор, рентгенолог шифокорлар ишлашади. Меҳнат жамоамиз асосан ёш ва истеъдодли шифокорлар ва ҳамширалардан иборат. Уларнинг кўпчилиги тиббиёт фанлари номзодалари. Бундан ташқари поликлиникамида пойтахтимиздаги нуфузли клиникалар бош мутахассислари бўлган доктор-профессорларнинг навбатчилик кунлари ташкил этилган. Зарур ҳолларда улар беморларимизга ўз клиникаларида ҳам ёрдам кўрсатишади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда уюшма аъзолари касалхоналарида ётиб даволанишлари учун ҳам бепул йўланмалар ажратилган.

Давоми иккинчи саҳифада

## ИЗЛАНИШ ЗАВҚИ



**ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**  
Азиз газетхон!  
Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2011 йил учун обуна давом этмоқда.  
Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлиmlари, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг почта бўлиmlари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилди.  
Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.  
Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.  
Нашр кўрсаткичимиз — 222.

Бугун турли йўналишдаги музейларга ташриф буюрувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Айни чоғда музейлар ҳар жиҳатдан такомиллашиб, замонавий техника воситалари билан жиҳозланмоқда. Бу жараён узлуксиз давом этапти. 1977 йили Массачусет технология институтида биринчи виртуал воқелик тизими яратилганидан бошлаб, илмий алаббётларда “виртуал” атамаси тез-тез кўзга ташлана бошлади. Кейинчалик, “тасаввур” маъносини англатувчи “виртуал музей” бирикмаси пайдо бўлди. “Виртуал музей” экспонатларининг музей тартиб-қоидалари асосида лойиҳалаштирилган электрон жойлашувидир. Яъни виртуал музейда экспозицияни турли нуқталардан томоша қилиш имконини яратилади. Бундай музей техник имкониятлар — компакт диск ва электрон нашрларнинг мати,

## МУЗЕЙЛАР ВА ВИРТУАЛ ТОМОША

суратли кўриниш ва хорижий тилларни умумлаштирган маълумотлар тўпламига эга эканлиги билан ажралиб туради. Композиция мултимедиа воситасида намойиш этилади. Бундай усулдан илк бора Овер шаҳридаги Ван Гог музейида фойдаланилган бўлиб, расмонинг картиналари ўрнига мониторлар ўрнатилиб, мониторда ҳаракатдаги, яъни “жонланган” асарларни томоша қилиш мумкин эди. Музей ходимларидан замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш талаб этилмоқда. Шу мақсадда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан музей раҳбарлари ва ходимлари учун махсус малака ошириш курслари ташкил этилди. Бу ерда ходимларга компютер, турли ахборот дастурлари, сенсорли кноук ҳамда интернет тармоғидан самарали фойдаланиш йўллари ўргатилади. Курсларда, музейлар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, мустақиллик йилларида соҳда амалга оширилган ислохотлар, музейлар ишини ташкил этишда халқроқ тажриба мавзуларида маъруза ва сўбатлар тингланади. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги Санъат музейида “Музеолог” тренинги ҳамда Самарқанд шаҳ-

рида “Музей ва ижтимоий лойиҳалар” мавзусида семинар ташкил этилди. Бу ташаббуслар музей ва кўргазмаларда виртуал панорама ва экспозициялар яратиш, ноёб экспонатларни моделлаштириш ёки реконструкция қилиш имконини беради. Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ўтказилган “Silentium” (жимжитлик) кўргазмаси айнан виртуал усулда ташкил этилди. “Аш ё жараён” услубидаги кўргазмаларни кулолчилик буюмлари билан бир қаторда, залга ўрнатилган монитор орқали кулолнинг иш жараёни ёки ҳайвонлар ҳайкаллари ёнига уларнинг яшаш тарзи ёзилган видеофилмлар намойиш этилди. Одатда, музей экспозициясига қўйилган экспонатлар чекланган тартибда қўйилиб, қолган қисми эса фондларда қолиб кетади. Виртуал музей эса ашёларни тўла-

лигича рақамли кўринишга ўтказиш, турли рукурдан кузатиш ва ўрганиш борасида энгилликлар яратади. Мазкур тадбирлар самараси ўлароқ Қорақалпоқ санъат музейи ва Амалий санъат музейлари фаолиятида томошабинларнинг сони ортаганини кузатиш мумкин. Юртимиз маданияти ва тарихини музейлар коллекцияси доирасида интернет тизими орқали таништирилиши ва замонавий дастурлар яратилиши келажакда музейлар фаолиятида ангина инновацион кўринишларнинг йўлга қўйилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаб ўттиш жоизки, музейларнинг интернет тизимидаги кенг қамровли маълумотлар базаси қидириш тизимида хорижий сайёҳларнинг ҳам маданият ва тарихий бойлиқларининг билан танишишга нисбатан қизиқтирилари ни оширишга хизмат қилади. Музейга келишни режалаштирганлар дастлаб веб-сайтни кўриб чиқадилар. Бу эса музейга келишга тайёрликнинг энг яхши усулидир. Камола НИШОНОВА, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги музейлар ва кутубхоналар бошқармаси бош мутахассиси

## ОБОД ЭЛГА ТҮЙЛАР ЯРАШАДИ

Тўй маросимлари ҳар бир халқнинг қувончи, келажакка умид ва юксак орзу-истаклар билан йўғрилган оилавий шодийнасицир. Тўйлар ҳамиша катта завқ-шавқ, ашула ва рақс, қарнай-сурнай жўрлигида кўтаринки руҳда ўтади. Оилада чақалоқ туғилганидан кейин ўтказиладиган ақиқа ёки бешик тўйи, суннат тўйи, мучал ёши, никоҳ тўйи ва у билан боғлиқ тадбирларнинг аксарияти тўй тарзида нишонланади. Тўйлар йиллар давомида сайқалланиб муайян тартиб-қоида тусини олган бўлса-да, кўпинча янги мазмун ва янги шакл ҳам касб этиб туради. Тўйлардаги баъзи янги удумлар тез урға айланаётган бўлса-да, миллий маънавиятимиз чеғарасидан чиқаётганини ҳам айтмасдан бўлмади. Тўйларнинг энг кўп тарқалган тури бу никоҳ тўйидир. Албатта, икки ёшининг оила қуриши дастлаб “фотиҳа”, яъни унаштириш тарзида ўтади. “Фотиҳа” рисоладагидай ўтказиб келинаётган айни кунларда бу тадбирга қўшимча равишда аёл қудага узук совға қилиш одати урф бўлибди. Уйлаб кўринг: эндигина балоғатга етган қизига росмана узук тақиб улгурмаган, қув сарполагар ва тўй олди харажатларидан боши қотиб турган ота ва она қудага олтин узук тақиб учун ҳамма вақт ҳам имкон топа оладими?

**Келиннинг бахти “Лимузин” дами?**  
Никоҳ тўйларининг катта харажат талаб қиладиган ўринсиз исрофгарчиликлари кўплиги ҳаммага аён. Келиннинг қув хонадонига кириб келишида нишонланадиган никоҳ базмини ёшлар бир умр хотирасида асрайди. Аммо мана шу шоду хуррамликлар — наҳордаги ош дастурхони, санъаткорлар хизмати, келинни уйдан узатиб кетишга келган “Лимузин” автомобили, кафе ёки ресторанда ёзилган тўкин дастурхон, қиз томонидан қув хонадониде кўзни қамаштирадиган даражада безатилган хоналар учун қанча маблағ сарфланганини қудалар ёки келин-қув ёйлаб кўрганмикин! Дарвоқе, “Лимузин” тўғрисида. Паркентлик бир танишимиз қўш келин оладиган бўлди. Келинларнинг бири Сурхондарёдан экан. Қиз томон “Сурхондарёдан қизимизни узатиб боришга “Лимузин” юборасиз”, дебди. Тўй ташвишларидан холдан тойган қувнинг онаси йиғламсираб деди: “Опажон, шунча узук жойга “Лимузин” жўнатиш учун қанча сарф-харажат бўлади, ахир. Биз келинга “Нексия” жўнатиб, узатиб келадиган аёлларга автобус гаплашиб қўйган эдик!” Қаранг, барча шартларга қўнаверсангиз одамлар нималарни орзу қилишмаскан... Давоми иккинчи саҳифада

Бошланиши биринчи саҳифада

Поликлиника қошида тез ёрдам хизмати ҳам мавжуд бўлиб, бир врач ва бир ҳамшира куну тун навбатчилик қилади. Янги тез ёрдам машиналари эса ҳамшира тиббий ёрдамга шай. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг исмиги чиқиб қолди, деган хабар келди. Дарҳол тез ёрдам машинасида Пиримкул аканинг уйига бориб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатди. Домлари касалхонага ётқизиб, бир неча бор ҳолидан хабар олди. Кеча тез ёрдам гуруҳимиз шоир Мирпўлат Мирзонинг уйига бориб келди. Ёзувчиларнинг оила аъзоларига ҳам зарур ҳолатда тез ёрдам кўрсатилади.



метр» деб аталади. У кўзнинг кўриш майдонини текширади. «Шелева лампа» эса кўз гавҳари, қорачиқни текширади. Кўриш қобилиятини аниқлайдиган «Проектор» эса бизнинг шифохонадан

навий комплекс жиҳозларни кўрсатиб, таърифлади. Терапевт ҳонасида Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Урозоёв Абдураҳмоновнинг қизи Замирани учратиб қолдим.

— Тошкентда ирригация ва мелiorация институтида ўқийман. Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасига даволангани келдим. Шифокорлар хизматидан жуда мамнундир.

Мамлакатимизда тилга эътибор маънавиятга эътиборинг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислам Каримов «Юсак маънавият — энгилмас куч» китобида она тилимизни авайлаб-асраш, бойиштириш, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга, ўзбек тилининг замонавий ахборот-коммуникация тизимида кенг қўлланишига эришиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлигини алоҳида таъкидлабди. Чунки она тилимизнинг жаҳонга юз тутишига эришиш миллий маънавиятни такомиллаштириш ва юксалтиришнинг ҳам асосий йўлларида биридир.

Замонавий ахборот технологиялари тилнинг функционал имкониятларидан фойдаланиш борасида катта қулайликлар яратди. Компютер таржимаси, тахрири, таҳлили, электрон лугатлар ва тезаурус (тил хазинаси)лар фикримизнинг далилидир. Айниқса, замонавий электрон лугатлар тузиши ва ундан фойдаланиш маданиятини шакллантириш тил имкониятини эгаллашда самарали эканлигини асослашга ҳолат йўқ. Хусусан, тилнинг имкониятини намоён қилиш ва эгаллаш борасида дунё миқёсида тез суъратларда яратилаётган тил корпусларининг хизмати бекиёс.

Тил корпуси кидирув дастурига бўйсундирилган, маълум бир тилга оид матнлар жамғури бўлиб, ўн миллиондан юз миллионгача, ҳатто миллиардлаб сўз қўлланишларини ўз ичига олади. Тилнинг

мукамал корпусларида тил пайдо бўлган буён ҳозирги кунгача яратилган барча ёзма, овозга (аудио, видео) матнлар жойлаштирилди. Муайян тил бўйича яратилган барча лугатлар жамланган ҳолда ҳам тилнинг мукамал тузилган корпусларига мутлақо тенглаша олмади. Чунки тил корпуси тинимсиз янгиланиб бориш имкониятига эгалиги, кенг қамровлилиги ва фойдаланишда қулайлиги билан характерланади.

Корпусда барча нутқ услублари, тилнинг турли даврига, турли шевага хос матнлар ўз аксини топади. Таркибидоғи матнларнинг кенг қамровлилиги ту-

ҳазинаси демакдир. Ундан лингвистлар, лексикографлар, компютер лингвистлари, муҳаррирлар, таржимонлар, журналистлар, ношарлар, олимлар, ўқитувчилар, таълим олувчилар ва бошқа ҳар қандай соҳа мутахассиси кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Тилнинг муайян давридаги ҳолати тарихчиларни ҳам, этнографларни ҳам, адабиётшуносларни ҳам, умуман, барча гуманитар соҳа вакиллари бирдай қизиқтириши табиий.

Тилга эътибор — элга эътибор

сусий кўринишлардаги «Упсаль корпуси», «Тюбинген корпуси», «Рус тилининг машина фонди», «Рус матнларининг Хельсинки корпуси», «XX аср охири рус газета матнлари корпуси» (МДУ), «Рус адабий тили миллий корпуси» (СПБ), «Рус тилининг «Регенсбург диакроник корпуси» каби корпуслар ҳам яратилаётгани бу соҳанинг нечоғли аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

МДХ доирасидаги бошқа тилларнинг ҳам миллий корпусларини яратишга киришилган. «Қозоқ тилининг миллий корпуси», «Тожиқ тилининг илк корпуси» кабилар бунга мисол бўлади.

XXI аср глобаллашув асри эканлиги тил корпуслари яратиш масаласида ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, дунё миллий тил корпусларининг «Британия Миллий корпуси» тизимида йўналтирилаётгани фикримизнинг далилидир. Тил корпусларининг интернет ички түри сифатида дунё тилларини қамраб олиши мўлжалланмоқда. Шу тарафда глобал корпуслар түри яратилади. Чунончи, бир тил корпусига кирган киши бемалол у орқали бутун дунё тиллари корпусларини айланиб чиқиши мумкин бўлади.

Ўзбек тили дунёнинг ривожланган тиллари қаторида туради. Тилимизнинг ички имкониятлари ахборот технологиялари тизимида ҳали етарли даражада ишга солинган йўқ. Хусусан, ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш борасида иш бошланмаган. Бу она тилимизнинг ахборот технологиялари тили сифатида, шунингдек, миллий корпус шаклида глобал корпуслар түрига уланиб, жаҳонга юз тутишига монелик қилмапти.

Умуман олганда, дунё тамаддунининг бугунги шиддатли суърати бошқа тиллар қатори ўзбек тилининг ҳам миллий корпусини яратишни тақозо қилмоқда.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ, филология фанлари доктори

ИЖОДКОРЛАР СОҒ-ОМОН БЎЛСИН

стрилизация хоналарида иш қизғин. Мана кўз дўстири хонаси. Кўз шифокори Тозаул Реймбоева янги аппаратлар билан таништилади.

— Ёзувчилар жуда кўп ёзиб-чиқишади, мутолаа қилишади. Уларнинг кўзларини тез-тез текшириб туриш зарур. Бунинг учун поли-

бошқа жойда йўқ. Узоқдан «пулт» билан бошқариладиган ушбу мониторга кўз сезгисини, ранг фарқлашни, кўз касалликларини текширадиган бир неча жадваллар ўрнатилган. Бу жуда қулай ва фойдали аппарат.

Ҳамидулла ака бошқа хоналардаги инсон ички аъзолари — юрак,

ман. «Ижод» фондини ташкил этиш ҳақидаги Президентимиз қарорини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ўқигандим. Юртбошимиз қарорига биноан уюшма поликлиникаси очилгандан сўнг мен бу шифо масканига аъзо бўлдим. Бошқа жойда бундай замонавий поликлиника йўқ. Айниқса, Орлобўйи худудидаги экологик шароитда яшаган ёзувчиларнинг биз каби фарзандларини Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси беминнат даволамоқда. Бизга кўрсатилаётган бундай гамхўрликлар учун хукуматимизга раҳмат айтаман.

Замиранинг кўзларида шодлик ва миннатдорлик унқулари порлайди. Ёзувчилар ва уларнинг оила аъзолари соғлигини сақлаш учун юсак даражада яратилган бундай шарт-шароитлардан шукроналик ва мамнуният туйғулари билан поликлиника биносидан чиқдим. Ҳовлидаги боққа экилган ёш арча ниҳоллари диққатимни тортди. Теварақда эса олтин куз. Уюшма поликлиникасида яратилган шароитлар «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида Президент қарорининг самараларидан биридир. Ҳузда меҳнат сарҳисоб этилади. Энди навбат ижодга. Ижодкорлар соғ-омон бўлсин!

Рустам МУСУРМОН



клиникада янги аппаратлар мавжуд. Мана «Авто-REF». Бу кўзнинг ҳай даражада хиралашганини текширади. Шунга қараб, ҳар кимга мос кўзойнаги таъзия этилади. У Германиядан келтирилган. Мана бу аппарат «Проектор — пери-

ошқозон, жигар, буйрак хасталикларини ултратовуш ёрдамида текширадиган янги компютерлашган ускуналарни, «ЭКГ», «ЭХО» каби, шунингдек физиотерапия бўйича ўнлаб муолажа аппаратларини, стоматология бўйича янги, замо-

Бошланиши биринчи саҳифада

Тўқликка — шўхлик

Тўй арафасида дастлаб қиз хонадонига мебел муаммоси бошланади. Қизнинг борган хонадонига камситилишини истамган ота-она қара-ҳавола қилиб бўлса ҳам чет эл мебелини сотиб олишга ҳаракат қилади. Шу ўринда бир воқеани эсладим: таниш хонадонлардан бирида маҳаллий мебел жўнатилганини кўриб, куёв бола тўйни тўхтатмоқчи бўлибди. Гўё куёв бола ўртоқларига бу мебелни кўрсатишга уялар эмиш.

Бир куёв бола эса келин томон уй ясашиб кетгандан сўнг полга тўшалган яп-янги гиламни ёқтирмай шундай дейди: «Менинг бўлажак фарзандим ана шу синтетикадан тўқилган гилам устида юрадим, синтетика касаллик чакиради-ку!» Қаранг-а, хали гумона ҳам бўлмаган фарзандига «гамхўрлик»ни.

Бошқа бир хонадонда келиннинг қўшма қорхона мебели тўйдан кейин бир йил ўтмай тоқчалари тўқилиб тушганини эшитдик. Буни кўрган бойвачча қайнота нуфузини ўйлаб, уйдан аразлаб чиқиб кетади ва ўзининг қимматбаҳо мебеллар билан тўлдирилган хос секциясида яшай бошлайди. Булар тўқликка — шўхлик эмасми?

Бувиларимиздан эшитганмиз, илгари янги куёвлар келиннинг ота-онаси томонидан қилинган сарполарни кийишдан уялишган. Айримлар сарполарни кайтариб ҳам беришган. Ҳозир бўлса тенгқурлари даврасида уялмай қайнотаси олиб берган телевизордан тортиб қайнонаси қилган теллагу палтолари оғиз кўпиртириб: «Чет элики, бизда бунақаси йўқ, фалон долларга олинган, бирга бозорга тушиб шунисидан олиб берасиз деб туриб олганман», дейишгача бориб етаётганларига нима дейсиз?

Тўй кўйлаги бир кунликми?

Яқин йилларгача келинлар тўй кўйлагини ок матодан ўзлари текшириб, дидига мос тарзда безарди. Бу кўйлак бир умрга эсдалик бўлиб қолган ёки уни ўзгартириб, икчамлаштириб тўйдан кейин кийиб юрганлар ҳам кўп. Ҳозир ёшлар фалон сўмга ижарага олинган тўй либосларига ўч. Аввало, бир кеча учунгина олиб кийиладиган бу

ОБОД ЭЛГА ТҮЙЛАР ЯРАШАДИ



Товуш темирни тешади

Карнай-сурнайлар одамларни тўйга чақириб учун, куёв ва унинг жўралари келинликка кириб бориши ёки тўйхона олдига келин-куёвнинг кириб келишида чалинса, бу миллий ўрф-одатлар, тўй тантанасидан нишонаси, дейимиз. Лекин карнай-сурнай кафе ёки ресторанининг ичкарисида қулоқларни қоматга келтириб чалиниши ҳеч қандай ўрф-одатга тўғри келмайди. Товуш темирни тешади, деган гап бор. Тўйхона ичкарисидаги қўша-қўша карнайларнинг баралла шовқини инсон соғлигига зарар-ку!

Яқинда бир одат пайдо бўлди. Тўйхонада дабдаба-шовқин билан ўтган тўйдан сўнг келин-куёвлар ўзлари билан бирга қўшқичларни ҳам олиб қайтишади. Кимдир шиддан чарчаб қайтиб дам олгиси келади, кимдир ёш болаларини ухлатолмай гаранг, қарилаб ва беморлар ҳам аллақачон уйкуга кетишган маҳалда базми-жамшид

Мулоҳаза

Яна бир муаммо тўйлардаги тоғоралар масаласида. Албатта, ҳар бир тўй эгаси ўзига яраша дастурхон безатади. Лекин тўйларда ва тўйдан кейинги тадбирларда тоғоралар «бел синдириш» қилиб, битта тоғора тўлдириш учун 40-50 минг сўмдан юз минг сўмгача пул сарф қилинадиган ва қинг қариндошларга «солиқ» солинади. Чарлар, бешик тўйи, қанда чакриқ ва бошқаларда аёлларга 7-8 хил таом тортилади. Берилган таомлар ейилиб-ейилмай қайтарилади ва ошхонада челаққа ағдарилади. Бундай кўра-била туриб қилинган исрофгарчиликнинг уволини ким ўйлайди? «Тоғорабоз»лар «увол» ва «сабоб»нинг фарқига етмасми?!

Тўйларимиздан хунук хотира қолмаслиги учун қўйиладиганга эътибор бериш керак деб ўйлаймиз: тўй ва бошқа маросимларда туёна ва тоғораларни икчамлаштириб фақат опа-сингил, ака-укалар ҳамкорлигидагина суяниш зарур. Келин-куёвга бериладиган хоналарни жиҳозлашда ҳар икки томоннинг келишувига таъйиниш ва энг муҳими дабдабабозликдан қочиб керак. Тўй маросимида пул кистириш ва пул сочишларга чек қўйиш лозим. Тўй қўйлагини қизлар ўз диди билан тиктириб қийишга одатланишлари мақсадга мувофиқ.

Тўй оши, келин салом, чарлар, қанда чакриқ, куёв жўралар зиёфатини никоҳ базми билан қўшиб ўтказиш ва бунда тақлиф этиладиган одамлар сонини юз-юз элликатдан оширамаслик керак. Чақалоқ туғилгандан кейин ўтайдиган қовурдоқ, ақиқа, бешик тўйи каби биларини ҳар икки оила аъзолари иштирокида тор доирада нишонлаш бугунги кунимизнинг руҳига ҳар жиҳатдан мос тушади.

Тўйларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш миллатимиз маданиятини кўтаришга, ёшларимизнинг маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Тўй бир кунда ўтади-кетади. Бирок баъзи бели оғирмас одамларга тенг бўлган деб мейёрини унутиб ўзни қийнаш ва азобга қўйишдан бошқа нарса эмас. Топилган ҳалол бойликни ёшларимизни ўқитиш, юсак савияли инсон қилиб тарбиялаш, ноёб китоблар, турфа адабиётларда битилган маънавият дурдоналаридан баҳраманд қилиш йўлида сарфлаш эса савобдир.

Санобар НИШОНОВА, педагогика фанлари доктори

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАМОЛОТ МИНБАРИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида 12-18 ёшли болалар ва ўсмирларга мўлжалланган «XXI аср технологиялари» илмий-техникавий, маънавий-маърифий журналининг илк сони тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур нашр «Баркамол авлод йили» давлат дастури ҳамда Вазирилар Мақома-си қарорига асосан Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш кўмитаси муассислигида чоп этилмоқда.

Янги нашр мақола-лари ўзбек ва рус тилларида бериб борилиб, болалар ва ўсмирларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қўмаклашишни кўзда тутди. Уларни замонавий илм-фан ва технология ютуқлари билан изчил таништириб бориш, жаҳонда ушбу соҳада рўй бераётган сўнгги ўзгаришлар ва янгиликларни кенг тарғиб қилиш, иқтидорли ёшларни замонавий технологияларга асосланган ягона миллий ахборот маконини яратишга жалб этиш, улар ижодининг илгор намуналарини ёритиш ҳам янги нашр олдига қўйган вазифалардан ҳисобланади.

Журнал саҳифаларидан «Технологик тараққиёт олимлари», «Келажак мўъжизалари», «Техно-устахона», «Фан оламида», «Тадқиқот ва таҳлил», «Синов доволлари», «Янги технологиялар», «Биллар пайдоеври» сингари қўлбаб рукуллар ўрин олган. Нишона сонидан Н.Му-

ҳлидов, О.Исмоилов, Б.Ҳожимўхаммедовнинг «Стирлинг дивалетини биласизми?», С.Куканова, Г.Қодирова, Л.Зайнитдинованинг «Сув ўтларидан биоэнирги», И.Абдураҳмоновнинг «Маркерларга асосланган селекция технологияси» каби илмий-таҳлилий мақолалари чоп этилган.

Тақдироти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов очиб, соҳага оид материаллар салмоғини ошириш, уларнинг долзарблигига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари М.Каримов, «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши матбуот котиби А.Пўлатов, Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Алимовлар тадбирда сўзга чиқиб, янги нашр хусусида ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Уйлаймиқки, «XXI аср технологиялари» журнали, айниқса, ёш авлоднинг изланиш ва ютуқларини тенгдошлари билан баҳам кўришида айна мулола бўлади. Баркамоллик йўлида илм сирларини ўрганаётган, ўз тақдирини мамлакатимизнинг буюк келажиги билан боғлаган ёшларни ижодий ҳамкорликка ундайди.

Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида Пётр Чайковский юбилейига бағишланган мусиқий кеча бўлиб ўтди. П.Чайковский мусиқининг деярли барча жанрларида асарлар яратган. У нафақат композитор, балки ўз замонасининг машҳур дирижёри ҳамдир.

Тадбирда «Пиковая дама», «Ромео ва Джульетта», «Уйкудаги гўзал», «Евгений Онегин» опера ва балетларидан парчалар янгради. Ушбу асарлар дирижёр Владимир Неймер раҳбарлигидаги талабалар симфоник оркестри, А.Навоий номидаги давлат академик катта опера ва балет театрининг опера хонандалари Раҳим Мирзақамолов, Наталья Бандалет ва халқро танловлар совриндори Владислав Косьминовлар томонидан ижро этилди.

Дилноза АСАНОВА



Зиёвиддин МАНСУР

# Жамолингга лолдир гуллар ҳам

## МАСЪУЛЛИК

Эзгуликка чорлаб турувчи Юрак, деган мардм бор менинг. Куёш каби порлаб турувчи Тилак, деган тарзим бор менинг.

Алғов-далғов, бесарликлардан, Алдовлардан, номардликлардан, Ночорларга ҳамдардликлардан Юрагимда дарзим бор менинг.

Ҳар тинч ўтган кун ўзи байрам, Бунга қанча шукур қилсак кам, Муслимликнинг фарзларидан ҳам Зиммамда кўп фарзим бор менинг.

Бу дунёдан кетсам дафъатан, У дунёда қандоқ ётаман?! Эй, жаннатдан афалим, Ватан, Сендан бисёр қарзим бор менинг!

Бир элим бор дунёга тайин, Жони метин, мэхри бир майин. Бахтини бут қўрмай ўлмайин, Этам, шу бир арзим бор менинг!

## ҚИЁС

Фасллар ҳам одамларга хос — Умрғузариликка тиссол. Олтин кузга изласам қиёс, Кўз олдими келар шундай ҳол:


Куз — донишманд чолга ўхшайди, Рухи сокин, Ранги заъфарон. Дов-дарахтлар долга ўхшайди, Мевалардан шохлари ларзон.

Ота уйдан бўлиб мустақил Фарзандлари кетгандай кўчиб, Дарахтларни ташлаб мутғасил Кета бошлар хазонлар учиб.

Кекса ота ёки волида Фарзандларсиз қолгандай заиф, Хувиллаган боғ тиссолда Ултиради кузак мунгайиб.

Яшнаб ётган баҳор боғлари Мерос қолгани янглиғ ёзга, Вақт-соати келган юзларга Куз ҳам ўрнин берар аёзга.

Бу табиий, Лек шу ҳолда ҳам



Куз донишманд чолни эслатар. Рўзғорини бут айлаб хотиржам, Фарзанд — қишга кўр ташлаб кетар.

## НАМАНГАН ҲАВАЛИ

Биродарлар, Намангани Худойим бир бино қилмиш, Унинг ҳусну жамолига Жаҳон кўркини жо қилмиш.

Нечун гуллар диёри, деб Аталгай бу чаман? Аллоҳ Наманган аҳлига гулкор Деган касбини ато қилмиш.

Хизр боғини ахтарманг, Наманган боғидир ул боғ, Шу боисдан бу боғ олам Элини маҳлиё қилмиш.

Бу жой аҳли нечун хушрўй Ва давлатманд? Унга боис Худо ерини тиллою Ҳавосин соф ҳаво қилмиш.

Ҳаво бунда наволангай, Наво бунда ҳаволангай, Қаранг, боғларга буабуллар Унга ҳамду сано қилмиш.

— Наманган аслида жаннат, — Унга хурлар керак, — деб Ҳақ,

Наманган қизларин хурлар Мисоли маҳлиқо қилмиш.

Неча йиллар, асрлар у Тополмай унчалик сайқал. Шукур, бахтига Истиқлол Тутанмас кўрк раво қилмиш.

Зиё, дунё кезиб юртлар Кўриб, шундоқ фикр қилдим: — Намангандан гузал жой бор, — Деб айтганлар хато қилмиш.

## ИҚРОР

Халқим бахти порлоқ бўлади, Бунинг шарҳи шундоқ бўлади: Булдилари чуқур чинорнинг Барглари ҳам яшноқ бўлади!

## ТОҒНИНГ АДирГА ДЕГАНИ

Мен — тоғман, Викторли, Сехрли, Тоғ номим Абдий қолади. Сен эса адирсан, Адирин Текислаб юборса бўлади...

## АКАДЕМИК АЗИЗХОН ДОМЛАГА

Чўққидай забт этиб Илму урфонни, Олму фан бобида Энг чўш унвонни. Энг зўр иши — Дўшпа тиссолда у Бошида кўтариб Юрар Кўқонни.

## ҲАЙРАТ

Пойингта табиат Ёйганда гилам Тўрт ёнинг тўқисидир, Атрофнинг шинам, Содда сайёҳлардай Боқар анграйдир, Юртим! Жамолнингта Лолдир гуллар ҳам!

У қоровулхона йўлагидан кетаётиб бежиримгина қўл телефон топиб олди. Сиртига тилла суви югуртирилган бўлиб, ажаби, фақат учтагина тугмачаси бор эди: яшил, қизил ва яна овоз белгисини кўрсатувчи тўлқинли чизикчалар тортилган тугмача!

Қари-қаранглар, кўзи ожизлар учун овоз билан истаган одамни чақириб берадиган "сотка"лар ҳам чиққан, деб эшитганди. Демак бу ўшанақасидан экан-да. Кимники экан... Бир-икки кишига кўрсатди, елка қисиди. Қўл телефонга ишқибозлиги йўқлигидан уйига элиб ташлаб қўйди-да, унутди.

Ҳайдар уч кунда бир "смена"га келади. Катақдек қоровулхонасига кириб олиб, эртдан кечгача ўтиб-қайтувчилар билан савол-жавоб қилади: "Хўш, қаёққа?". "Танимаяп-сизми, товукбоқарман-ку, чехга". "Балки кеча ишдан бўшагандирсан, ҳужжатингни кўрсат". Яна бошқасининг йўлини тўсади: "Хов оғайни, қаёққа бораяпсиз?". "Ҳўжайинга". "Ия, шаҳар бедарвоза эмас! Тўхтанг, олдин у кишидан рўхсат сўрай". Шундай деб стол устидаги тошбақадек телефон аппаратида қўл узатади. Агар шу ерда ишлаётган бош хисобчими, чех бошлиғими — хуллас, амалдорроғи рўпара келса лаганбардорлик қилиб ўтирмайди-ю, бироқ оғир кўзгалади: "Э, хуш кўрдик, хуш кўрдик, яхши келаяпсизми?" дейди, холос.

Гармидори нусха дўпписини бошига қийшқ қўндирган, оқиш лўпчи юзида қон томирлари бўртиб турган бу одамдаги сал илжайиш ҳар қандай кишида унга нисбатан меҳр уйғотади.

Кечкурун ишдан кейинги машмашани кўяверинг. Қовоғи уюлиб, юпқа лаблари қисилди. Эшикдан ҳаммани чўнтагидан тортиб, халтасига текшириб чиқаради. Баъзан қоровулхонада бақирч-чақирч бўлиб қолади. Кимдир тухум олган ҳужжатини тўриламай чиққан ёки товук гўштини уйдан овқат келтирган кастрюлкасига яширинча солиб олиб чиқётган бўлади. "Ноинсофлар, — дейди улар қайтиб кетган, — кўннинг ҳақини еб бўладими, тешиб чиқмайдами!".

Аёлларга келганда қўлақлари устидан пайпаслаб кўришни жуда иста-са-да, бундай қилишдан чўчиди. "Ия, мени ким деб ўйлаяпсиз?", деб сумка ёки мушти билан тушириб қолишларидан қўрқиб, "Қани, қўлингиздагини бир очиб кўрсатинг-чи", дейди холос. Кейин бўйинини чўзиб қараб хотиржам бўлади-да, боши билан "Ўтаверинг", ишорасини қилади.

Шу тариха "смена"ни ўтказадиде, эрталаб шериги келгач, овқатдан бўшаган идиш-товогини халтасига солиб, шақиллатганича уйига қайтади. Урик остидаги симкаравотда бироз мизғиб олиб, ховлисидаги экинни чоплади, мол-ҳолга қарайди. Кечга яқин оёқ-қўлларидан чарчок туяди, кўчага чиқиб, темир дарвоза тагидаги ёғоч ўриндиқда тин олади.

Кишлоқ кичкина бўлгани учун ҳаммани танийди. Биров помидор сочиб, яшигини кўтарганича бозордан қайтади, бошқаси қай-қайлаб сиргир-бузоғини даладан қайтариб келади, яна бири кўчага ёйиб қўйган бедасини паншаҳада титади. Ҳайдар буларнинг ҳаммаси билан бозор-ўчар, мол-ҳол, экин-тикин тўғрисида гап сотиб кўради. Кўнгли жойига тушгандек бўлади. Ҳар ҳолда маҳалла-қўйдаги англиклардан хабардор бўлиб туриши керак-да.

Албатта, утган-кетганини Ҳайдарга ҳам илтимоси бўлади. Қўнлиси тухум олиб беринг деса, нариги кўчадаги дехқон товук ўғити экинни ҳўп кўртуруриб юбораркан, бир арава олиб берсангиз-чи, дея ўтинади. Унисисгаям, бунисисгаям йўқ демайди. Лекин ёнига ўтказиб олиб ўзича тушунтиради: "Уйда тўртта товук боқсангиз бўлмайди, пулингиз ёнингизда қолади. Хохламасангиз, дўкон тўла тухум". "Сиз сўраётган ўғитни ҳовлига солиб бўлмайди, қўшни. Хидига кўз очолмай қоласиз".

Ҳайдар бу гаплари билан маҳалладошларини ранжитадигани билса ҳам сира хижолат бўлмайди. Ахир, минг пулини тўлаб олса ҳам товукхонада нима деб ўйлашди: "Ўзи қоровул-да, йўлини қилиб олиб чиқаяпти, бошқа бировга дон тухум чиқартирмайди".

Бунинг устига раҳматлик отасининг васияти бор: "Тўғри ўйла, тўғри сўйла, тўғри юр! Шунда мен тинч ётаман".

Тиркичлиги туппа-тузук ўтиб турибди. Маоши тайин, ҳар ой мукофот беришади, тўйларидан гўштан ёрдам кўрсатишади. Йигилишларда ҳалоллигини мақташади. Ўғиллари ёнига кириб қолган. Ховлисидаги катақда ўн-ўн бешта товуги, кўрасида қўйи, бўйрадеккина жойда иссиқхонаси бор. Бўш вақтларида шулар билар андармон.

Шуларни уйларида қўйиб қолди. Соғ-омонмикан? Анча йил бўлди кўрмаганига. Отаси раҳматлик унга "Сени шу одам ишга жойлаган, ҳолидан хабар олиб тур", деганди.

Тога ўша пайтларда товукхонада омбор мудири эди. Тухуми, гўшти, емми — ҳаммаси унинг қўлидан ўтарди. Ҳайдар орқаворотдан тўғрими, нотўғрими ёки лўфми эшитганди: "Тога даврида тонна-тонна ем омборга етиб келмай қаёққадир гумдон бўлган, минг-минглаб тухум чехда синди, деб ҳисобдан чиқарилган, етим-есирларга дея ажратилган қанчадан-қанча тухум ва гўшлар бозорда сотилган".

Паррандабоқарлар эса шикоят қилишаркан: "Товуқлар нимжон, тухум камгайиб кетаяпти, бунинг устига майда". Тўғри-да, товуқлар ўшона қарзга ботиб борарди.

Янги директор анча кузатиб олди. Омбор мудирининг қилмишларини пайкаб қолди-да, ишдан бўшатди. Ҳайдар ана шу воқеа арафасида қоровулликка ишга келган, тоғаси ундан манфаатдор бўлмай қолганди.

Одам дегани барибир яхшиликни унутмас экан. Ҳайдар бу машмашаларни эшитган эса-да, ўғай бўлса ҳам барибир тога-да, кўчадаги ўриндиқда ўтириб, уни бир кўргиси келди. Ховлига кирди, товук катагига бош суқиб, тўрт-бешта тухум олди. Боғ этагидида қирмизи олмадан саралаб беш-олтита-сини узди. Гузардаги новвойдан бир жуфт ёлқ патири, бозордан мевачева олиб қўйди. Халтасига бундоқ қараганди камроқ кўринди. Тоғанининг овқат қилиб берадиган одами йўқ, жуда бўлмаса қовуриб ер, деб ўйлаб ортига қайтди. Дўкондан яна ўнта тухум олди ва кўнгли тўлгандек бўлди.

Эшик қия очик экан. Йўлакка кириб "Тога, ҳов тога!", деб овоз берди. Жим-житлик. Анча ичкари юриб, ховли ўртасига келди. Каттиқроқ чақирди. Атрофида қатор хоналар са-лобат тўкиб турар, ўртадаги фаввора қўлдан бери ишла-маган шекилли, оппоқ кафелли думалоқ ховзи ичи қуриб-қақшаб ётар, атрофини гуямоқ қўйтканак бош кетганди. Бир пайтлар бу жойда тоғанининг қадрдонлари беармон ул-фатчилик қилишган, не-не бўйни узун шишаларни думала-тиб ташлашган...

Тоғанинг кампирни қон босимидан вафот этган, тога қан-чалик хохламасин ёлғиз қизи бу ерга кўчиб келишни иста-мас эди. Янада аниқроғи кўеви бунинг хохламас, қайнотаси-нинг ҳашаматли қошонасидан кўра ўзининг пешона тери эвазига қурилган одмигина уйда яшашни маъкул кўрарди. Яхшиямки, қўни-қўшиллар тоғанинг ҳолидан хабар олиб, ош-овқатдан қарашиб туришади. Ҳайдар буларни эшитиб, кўнгли гафшанар ва ажабо, шу тонда тоғам ўғай-ку, шунга-ям хижолат бўламанми, деган юпанч билан таскин топар-ди. Айни чоғда ўз хаёлидан ҳам уялиб кетади. "Лоқақл йил-

да бир бориб кўрмаслик гуноҳ. Ахир у яхшилик қил-ган, уйланаётганда ота-онаси "Келиб-келиб тоғ тепасида-ги қизга кўнгли қўйдингми?"

Тоғдан келин қилмаймиз", деб оёқ тираб туриб олишганида уларни кўндирган ким? Шу тоғаси! Кейин тўй юборар қуни ароққа тўйволиб "Бу дунё-да ўйнаб қол..." деб чананиларча ўйинга тушган, ҳаммани ўзига қаратган ҳам шу одам! Бунинг бил-маслик... Шуларни ўйлаб кўнгли ёришди.

— Тога, — деб қаттиқроқ чақирди у. — Ҳов, уйда ким бор? Ховли этагидан ниҳоят "Ким у, келаверинг!" деган уйқу-дан кейинги бўғиқ овоз эшитилди.

Ҳайдар ўша томон юрди. — Ия, сеним, жиян! — тога қадам товушини эшитиб қаравотига туриб ўтирди. Ҳайдар ил-дадан юриб борди ва ... узатган гўштор қўли ҳавода муаллақ қолди. Тоғанинг кўз қорачи-лари лоқайиб ва бепарво эди.

Котиб қолди. "Келмаганимга икки йил бўлди, шекилли. На-хотки соппа-соғ одам... Э, тақдиринг ўйини...", деб ичи ачиди. Бўғотдаги бир жуфт қалдирғоч тинмай чуғурлар, галма-гал учиб бориб, тумшукларида аллақа-қардан лой парчаларини келтириб, ёқлардан уна марманд мисол пиштиб-пи-штиб уя ясарди.

Ҳайдар эшитгандики, ароқнинг ёмони бора-бора кўр қилади. Тога эса майшат деса ўзини томдан таш-ларди. У пайтлар ароқ кам. Тухумга хуфёна бўлар-бўлмас спирт алма-шиб, майшат қилиш, оқликка, жони-ворлар насибасига хиёнат натижаси-ми бў?

У шундай хаёллар оғушида темир қаравот четиға аста чўқди-да:

— Иссиқ патири олиб келганди, — деди оғиздан гаплари тўқилиб. — Еб олинг. Айтганди, тухум ҳам бор. — Бирдан жонланди, — Хонаки тухум! Ўзиники. — У ўтирганича қаравот-даги халтачини титқилай кетди.

Тоғанинг тунд чехраси бирдан ёришди:

— Тухум?! Олчи... кўп йил бўлди-я тутмаганимга. — У дўрдоқ лабларини чўчайтириб бошини чай-қади ва бир "уф"лади-да, эглиб икки кўлини чўзди.

Ҳайдар халтасидан битта тухумни олиб узатди. Тога уни авайлаб силади, қулоғи остига олиб бориб, силкитиб-силкитиб кўрди. Кейин худлади. Бир оз жим қолди ва қўлимгадан йилгоқи овозда бақириб юборди:

— Эй, нега мени алдайсан?! Бу товукхонанинг тухуми, билдинг! Ахир, мен ўттиз йил ишладим у ерда! Кўр бўлсам кам худидан, мийдаги сарғиғи жимирлашадан билман!

Кейин бошини эгиб жим қолди. Ҳайдар янглишганини, уйиники эмас, балки гузардаги дўкондан олган тухумни тутқаганини пайқайди ва тоғанинг аллақандай нотабиий сез-гирлигидан хайратга тушди. У икки қўлаб халтачасини бе-саранжом қавлаётгани, бунинг сизган тога қафти билан унинг елкасига туртди:

— Керакмас, барибир шуниси яхши.

У тухумни худлаб жим қолган, бепарво ва жиддий эди. Қалдирғочлар ҳамон лой ташиб келар, битай деб қолган уясиға санъат асарни каби зеб беришда давом этарди. Тога яланг бошини чап қўли қафти билан силади:

— Кечир, жиян. Шунча бўлиб қолганман. Товукхонани соғиндим. Жуда. Ҳиди... кўп-кўп тухумларни эслатади. — Яна бироз жимликдан сўнг сўради: — Хўш, оламда нима гап?

Ҳайдар жонланди? Угли зоотехниклик ўқишини биттириб, шу фабрикада ишлаётгани, товукларга компьютер ёрдами-да ўйлаб ем-суб берилётгани, тухумлар синиши камгай-ни, ҳамма паррандаларни эллик-олтмиш киши ўрнига бир одам боқайтгани, ҳатто ўзи ишлайдиган қоровулхонада ҳам назорат аппарати ўрнатилганини оғзини тўлдириб айтди.

— Яхши, яхши, — деди тога дардли овоз билан. — Ҳам-маси яхши. — Унинг гап оҳангиди ҳасад йўқ эмасди, лекин хавас ҳам борлигини Ҳайдар сезайтганди.

У ҳамон титроқли ўнг қўли қафти орасида тухумни тутиб турар, елкалари билинар-билимас учиб-учиб тушарди. Ҳайдарнинг, бунинг олинг, деб узатган хонаки тухумга парво ҳам қилмасди.

— Сендан битта илтимосим бор, — деди бир маҳал тилга кириб. — Эшитдимки, овоз билан ишлайдиган қўл телефо-ни чиқибди. Шунчақасидан топиб келсанг, жиян.

Тога тухумни хонтахта устига қўйганди, думалаб борди-да, тўп этиб чим босган ерга тушди.

— Синамади-а, — деди у хайрат билан. — Қобиги қаттиқ экан. Товуқлар тўйиб ем еган, шекилли.

Ҳайдарнинг хайронлиги ошди. Қўлидаги тухумни халта-сига солишдан бошқа чора қолмади.

— Яна бир илтимос, — тоғанинг овози энди майинлашди. — Олиб келадиган телефонингга қўнғироқ ўрнига хўрознинг қичқирганин ёздиринг, қўлми?

Ҳайдар "ҳўн" деди жойидан жилломай қолди. Кўнгли бузилди: "Тога, сини зўр дўхтирга обориб тузаттирман", деди аранг. Ва юраги ачишиб ўйлади: "Бир пайтлар савла-тидан от хурқадиган одамнинг аҳолими шу?"

Тога икки қафтини юзларига суриб Ҳайдарни узок дуо қилди. Сўнг ёстиқ ёнидаги қора кўзойнагини тақиб:

— Жиян, очингни айтсам, дардимга фақат хўроз қичқи-риғи даво, — деди.

Ҳайдар халтачасини бўшатиб, ердаги тухумни олиб хон-тахта устига қўйarkan ажабланди: нега хўроз қичқирғи? Бал-ки ёшлиғи, гуриллаган йилларини ёдига солар...

Йўлда кетиб бораркан, қоровулхонаси йўлагидан топиб олган телефонини эследи. Бу матоҳ хўп тоғамбоп экан-да, деган ўй ўтди кўнглидан. "Йўқ, — деди ичиди кимдир, — у бировники-ку. Бечора хали номер ҳам олмаган экан, яп-янги".

Эртасига телефонини қоровулхонаси шифтига мейс қоқиб, илга боғлаб олиб қўйди. Кириб-чиқётган телефонга назарлари тушиб, Ҳайдарга ишайиб гилай қарашар, кей-ин жиддийлашиб кўзларини олиб қочинишарди. У эса бу ким-ники, деб сўрайдиган анойи эмас. Эгаси топилса ўзи айта-ди, хаёлидан ўтказди хотиржам.

Ҳар ўшга келганда бу қимматбаҳо антиқа телефонни чўнтагидан олиб илга илар, лекин бир ой ўтса ҳамки, бир-ров, янги бўлиб қолмайди. "Кел, тоғамга олиб бориб бера қолай, — деб ўйлади яна. — Бу ҳам савоб-ку". Шу тон-да қулоғига аллақим тазнали пичирлади: "Ҳа, писмиқ, ҳа, ўғри! Ҳеч ким билмайди даянсанми? Бекорларни айтиб-сан. Отангининг васияти ёдингдан чиқдимми?"

У яна ниҳоятдан қайтди. Тоғам учун бошқасини сотиб олар-ман, деди-да, туман марказига қараб кетди.

Баҳодир МУСТАФО ЁҚУБ

# СЕНГА СОҒИНЧ

## ҲАДЯ ЭТАМАН



## ТОНГ

Илоҳий тулпорлар чоғиб ўтади. Шохларга ўралиб қолади уйку. Шафқат кун лабига қадаҳ тутайди, Тушлар тун қўқсига солади қутку.

Омон ёна бошлар, Омон оқарар. Гузаллик қонда термуласан лол. Дарнардани суриб кўчага қарар Соцлари паршон тўзгиган аёл.

Чирилдоқлар қўшиғи яна Кўтармоқда ойни баладига. Гўё хона шамга парвона, Илқ хузур сузар баладига.

Боғ ўзини қўйиб юборган, Олмалар тўқилар тарсиллаб. Бу ёз уни суяиб юборган, Бу ҳолатни бўлмас тасвирлаб.

Силаб туннинг ойдни қоматин, Аста эса бошлар шаббода. Янграб турар ойнинг қадими, Шудринг мудраб ётган далада.

Ҳаво булутлар. Ёмгирлар яқин, Омон юрагига тўлганар қақин. Қўшдан тўқилган тангалар каби, Бинафшага тўла дарёнинг лаби.

Майсаларнинг оташ бағрида беҳол, Эҳтиросдан қуйиб ётибди шамол. Қуйлар тошиб келар ошқ юракдан, Қандай бахт: Дунёга мен ҳам керакман!

Сенга гул эмас, Ёмгир шовқинини ҳада этаман. Токи сен шеърини ўқиб, кўриб тур Узини ҳар ёнга урган шамолни.

Сенга гул эмас, Шамол ҳайқиринини ҳада этаман. Токи сен шеърини ўқиб, тинглагини Дунёга таралган ошқоқ овозни.

Сенга гул эмас, Ёғайтган қорни ҳада этаман. Токи сен шеърини ўқиб, тинглагини Дунёга таралган ошқоқ овозни.

Сенга гул эмас, Ажиб бир соғинччи ҳада этаман. Токи сен шеърини ўқиб, соғинччи Шу кичик заминнинг улкан дардини.

Энди мен шамолга айланиб бўлдим, Туманларни парча-парча қиламан. Дарахтларни букиб чалади қўлим, Симларга осилиб увлаб куламан.

Новдаларни эшиб ўраман майда, Сирлансам, ифорта тўлар боқчалар. Мен ҳатто синаман шу митти найга, Нолалар қилгани узун кечалар.

Сени эркалайман беўхшов, қўпол, Қўйлагиндан тортиб, тўзгитиб сочинг. Жигинга тегаман чақириб минг бор, Кўқларга учаман эшигинг очиб.

Энди ҳеч нарсдан тўлмайди кўнглим, Йўларда ухлайман дайди, девона. Шамолларнинг Ватани — кенглик, Менга торлик қилар энди бу хона.

## ШЕЪР

Табиат севинчи ўргатди менга, Ёмгирлар — йиллашини, қушлар — қуйлашини.

Кутишни онамдан ўргандим сени, Замин кутган каби тонгда қўешни.

Шамоллар қалбимни олиб учдилар, Соғинчга айланди бутун борлигим. Мени алдидилар, мени кучдилар, Менга қанот берди сенинг борлигинг.

Яна ҳаёт чорлар, яна йўл, севги, Сўзлардан сўзгача, кўздан кўзгача. Юлдузлар қўқсидан нотаниш белги, Одамлар ўзгача, олам ўзгача.

Сенга нигиламан менинг маъбудам, Менинг болалигим, поклигим менинг. Қанчалар сезарман: мени ушбу дам Қандай қаттиқ босар бағрига замин.

Уйғонганда паршон саҳар Кунлар ўтар сенга ичкиб. Нега дунё сукутлар сақлар Ва ой чиқар ҳар кун кечкиб.

Мен мағлубман — муҳаббат енгди, Учган юлдуз каби туйгулар. Кўзларимда уйқу йўқ энди, Сени излаб кетган уйқулар.

Ҳеч ким уйғонмади ҳали ҳовлида, Фарқ пинҳан узумдан тушиб келар тонг. Тушлар суя

Агар бирор кўшиқ қалб торларини чертаётган бўлса, демак, у ўз маънавий вазифасини бажараяпти. Яхши кўшиқнинг қудрати туфайли санъаткор олами билан юзлашасиз. Бундай кўшиқлар ҳаётни санъатга — санъатни ҳаётга айлантириб яшайдиган истеъдодлар меҳнати билан яралди ва яшайди... Биз бу ижрода Лутфийнинг садоқатию, Машраб қалбини ўртаган оҳлар, Чўлпоннинг ҳақиқат ҳақидаги орзулари ифодасини кўргандай бўламиз. Аънавий ўзбек мумтоз ашулаларининг моҳир ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулла Шомагруппов билан суҳбатимиз ҳам замонавий мусиқа санъатимизнинг бугунги манзараси хусусида кечди.

— Ҳатто энг ёмон кўшиқчининг ҳам муҳлиси бўлади, дейишди. Шу маънода, санъаткор муҳлис муҳаббатига қай даражада эҳтиж сезади?

— Келинг, саволни муҳлис эътибори, деб ўзгартирайлик. Чунки муҳаббат шундай қудратга эгаки, у барча камчиликларингга ҳам кўз юмади. Санъат ҳақида ҳамманинг ўз қараши бор. Шунинг учун ҳам кўшиқлар ҳар хил. Кўшиқчилликни ким қандай тушунади, бу унинг дидига ҳавола. Бу борада баҳслашишга ҳоҷат йўқ. Муҳлислар эътибори эса кўшиқни тафтиш қилувчи, таҳлилдан ўтказувчи асосий восита. Яъни, улар бизнинг ҳолис ҳақамиз. — Ижод қилиш, изланиш қанча машаққатли бўлса, шунча завқли ҳамдир...

— Мусиқага матн танлашда жуда инжиқман. Шерни кўлимга олганимда, ҳар доим ички ҳадиқ дилимдан ўтади. Биринчиси, шерни қуйлай оламани-йўқми, иккинчиси, қуйлаганинг тингловчига ёқадими?.. «Бу шер менга нимаси билан ёқиб қолди», деб ўйлайман. Шер матнини обдон ўзимга сингдиришим, аввал ўзим завқланганим лозим. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. «Сенсан севарим», «Уртар», «Мастона бўлдим», «Созим», «Эй, сабо»... Булар вақтни енгиб, қадр тоған асарлар. Шунинг учун ҳам йиллар ўтган сари ноёблашиб бораверади. Тарихда кўпга сўз санъаткорлари ўтган, лекин биз Лутфий, Навоий, Бобур ва Машраблар, Муқимий ва Фурқат асарларини биламиз, ҳоло. Мен, нафақат, мумтоз, балки замонавий шериятга ҳам мурожаат қилиб тураман. Тохир Мухаммаднинг «Аёл», «Алам» каби шерларни қалбим торларини черта олгани учун қуйладим. Адабиётимизда юксак савиядаги шерий матнлар кўп. Лекин матнни танлаш билан ҳам келарак. Бугун учун ёзилган шерлар бугуннинг ўзи билан қолган кетди. Баъзан саёб, дидисиз матндан иборат мусиқа ошитганимда, вақт ҳумига қўйилган мана шу ҳақиқат менга таскин бергандек бўлади. Янги-янги кўшиқлар кўпайиб борапти, бу қувонарли ҳол. Аммо табиат парадоксини қарангки, дарахт меvasи қанча кўпайиб кетса, шунча майдалашиб бораверади.

Бу воқеани менга тоғам сўзлаб берган эди. У кишининг катта момоси — Улуғ момо, доимо ёлғиз қолганда ўғлининг исмини айтиб, мунгли кўшиқ куйларкан. Чунки якка-юягона фарзанди урушдан қайтмаган, дом-дараксиз кетган. — Биз ёш болалар эдик, — дейдилар тоғам ҳикояларини давом эттириб. Уйнаб юриб момонинг ёнига келиб қолса, бу соғинч кўшиги гўдак қалбимизни бир зум уйга толдиради. Орадан йиллар ўтса ҳам ҳамон ўша манзара хотирамдан кетмаган. Бу мунгли кўшиқ ўзбек онасининг ўғлини эслаб, махтал бўлиб айтган кўшиги эди. Бу ик-

Сизга оддийгина мисол келтираман. Кузатганимиз, ҳинд филмларида ҳаддан ташқари кўп одам иштирок этади. Эсада қоладиган бош қаҳрамонлар сон икки ёки уч кишидан иборат бўлиши мумкин, лекин қолган минглаб персонаж филмга нима учун керак, дерсиз? «Фон» учун... Яъни орқа пландаги умум-қалбимизнинг мисол келтираман. Кузатганимиз, ҳинд филмларида ҳаддан ташқари кўп одам иштирок этади. Эсада қоладиган бош қаҳрамонлар сон икки ёки уч кишидан иборат бўлиши мумкин, лекин қолган минглаб персонаж филмга нима учун керак, дерсиз? «Фон» учун... Яъни орқа пландаги умум-қалбимизнинг мисол келтираман.

### ИЗЛАНИШ ЗАВҚИ

— Санъаткор сифатида мусиқага қандай таъриф берган бўлардингиз... — Сиз боя менга: япон шоири Басё бир чўққини ҳафталаб томоша қилар экан. Бир неча ҳафтадан сўнг ўрнидан бир оз нари силжиб чўққини бошқа томондан кузатар экан. То улкан қоянинг улғурлигини дилида туймагунча бу ишни такрорлайвераркан, деддингиз. Биласизми, Басё қаршидаги қоя дунёнинг бир қирраси ҳоло, лекин оламнинг ўзи чексиз сир-синоату, залвордан ибрат-ку. «Мусиқа олами», дейишди. У ҳам ўн саккиз минг оламнинг бир шакли эмасми? Унда яшайдиган санъаткорнинг бир дақиқа эвазига бўлса-да, ердан узилдиб, руҳи кенгликларидега кезиб имкони бор. Шунинг учун ҳам куйда илоҳийлик мавжуд. Асли санъаткор мана шу илоҳий лаҳзалардагина яшайди. Бошқа пайт эса ҳамма қатори кун кечиради. Мусиқа нима эканлигини тўла англай олганимизда эди, у одамзотга бунчалар сирли бўлиб туюлмаган бўларди. Асл санъатнинг миллати ҳам, ватани ҳам йўқ, дейишди. Бир вақтнинг ўзида миллий оҳангларимизга қанчалар маҳлиё бўлсам, поп кўшиқчилари Стинг, Жорж Майклларга ҳам ўшанчалик шай-

до бўламан. Менимча, мусиқа ҳақидаги ҳар қандай таърифдан ҳам унинг ўзи гўзал. Ишончим комил, саккизинчи нота кашф этилган, унинг кашфиётчиси ҳам шу саволни берсангиз, айнан шундай жавоб берган бўларди. Аксинча, баландларвоз таърифу тавсифлар билан уни жўнлаштириб қўймаганимиз маъқул.

— Баъзан оммавий базмлардаги ола-тасир томошалар санъаткорни асл йўлдан чалғитмайди?

— Тўғри, шундай бўлади ҳам. Шубҳасиз, тўйлардаги «бахо»лар санъаткорнинг даражасини белгилайдиган мезон эмас. Бозорни эслатувчи бу майдонда сен фақат талабларга бўйсунсан. Буларнинг бари асл санъат қаршида ҳеч нарса эмас. Начора, ерда яшаймиз, омонда эмас, баъзан шу ернинг қонун-қоидаларига риоя қилиш илнжида тўйларга бориб тураман. Лекин кўшиқ мен учун тириқчилик эмас, аксинча, тириқлик манбаидир.

Аслида санъаткорлар бармоқдаги

чизиклар каби бир-бирини такрорламайди, лекин ўзини ўзи такрорлаши мумкин. Бу энг катта бахтсизлик... Инсонга ўз меҳнати эвазига ерда ризқ териб юриш имконияти берилган. Бу имкониятнинг иккинчи номини қобилият, деб атаса бўлади. Лекин уни кимдир топа олади, кимдир эса... Мен санъатда ўзимни узок қидирдим ва ниҳоят топдим, деб ўйлайман. Катта кўшиқларга даъвойимиз йўқ. Лекин орзу қилишдан тўхтамас экансан... Аслида мана шу орзулар инсонга қанот бағишлаб туради. Манзилнинг ўзидан ҳам кўра, унга бориш йўли завқли...

— Шогирдлик нима? У аъналарнинг давом эттирувчи бир воситами ёки ўзи билан янги сўқмоқларни очувчи алоҳида бир бўғинми?

— Қай маънода тушунишга боғлиқ. Шундай кўшиқлар бор, нафақат, ҳар бир шогирдда, балки ҳар бир ижрода янгилашиб сайқал топиб боради. Лекин шундай шогирдлар ҳам борки, аъналарнинг давом эттириш у ёқда турсин, уларнинг бошига етмаганига офарин, дейсиз. Биласизми, мусиқамизда ажнабий оҳанглар — ҳинд, араб, турк, европа мусикаси учқунларини кўряман... Начора, бу ҳам замон талабидир.

Хозир «Сато» гуруҳи ва Ўлмас Оллоберганов ижодида ҳурматим баянда. Уларнинг ижросида мумтоз кўшиқларимиз «янгиланиб» замон «руҳига» мослашиб борапти... Хонанда Тоир Қўзиёв «Кўз теғмасин» кўшигини ижро этди. Мусиқаси соф миллий чолғуларда яратилган. Айнан шу ижодий жараёнда санъат янгилашиб, сайқал топаётганлигини кўрасиз.


Суҳбатдош: Шоҳсанам ХИДИРОВА

# ТАРИХИЙ АСАРДА ЗАМОН НАФАСИ

Таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўланинг «Нодирабегим» драматик поэмаси асосида дастлаб ўтган асрнинг 70 йиллар охирида Ўзбек Миллий академик драма театрида, кейинчалик 90 йилларда Муқимий номидаги мусиқали театр саҳнасида иккита спектакл саҳналаштирган эди. Уттиз йилдан орттиқ вақт давомида «Нодирабегим» асари бошқа театрлар репертуаридан ҳам ўрин олди.

Табиийки, бу асарни ҳар қайси режиссёр ва театр жамоаси бир-бирдан фарқли концепциялар асосида саҳналаштирган. Бу жараёни кунни кеча Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театрида саҳналаштирилган «Бу юрт муқаддас тупроғимдир» («Нодирабегим») деб номланган спектакл мисолида ҳам кузатиш бўлади. Етмишинчи йиллар охирида саҳналаштирилган «Нодирабегим» спектакли режиссёр маишийликдан, мелодрамадан ва поэтик тусдаги далабдан

спектаклида фалсафий юкни «қўтарган» масхарабозлар бу саҳна асарига киритилмаган. Режиссёрнинг бугунги спектаклида расом, хонанда ва созандалар замон руҳини ифода этишган. Нодирабегим ишга тарафиди шартли рамиёй беиз сифатида найзаларнинг бир-бирига ўқталган ҳолатида ифода-ланган бўлса, хонанда ва созандаларнинг куй-қўшиқлари шоира (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Маматиллохунова) сийратидега энгилмас



ҳоли бўлишга ҳаракат қилган ва муваффақиятга эришган эди. Тўқсонинчи йилларда саҳналаштирилган Муқимий номидаги театр спектаклида эса тождор малика ва она қалбидеги зиддиятлар кўпроқ ургу берилган.

Б.Йўлдошев саҳналаштирган бу икки спектакл ўзбек театр санъати тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллаб, бош рол ижрочилари Яйра Абдуллаева ва Зулайхо Бойхонова малика, шоира ва она сиймоси тимсолида марказий муҳит яратувчи, зиддиятларни ҳаракатлантирувчи кучга айланган эди. Муқимий шунданки, Нодирабегим томошани олдида замондошимиз сифатида яшайди, алданайди, курашайди ва ҳалок бўлади. Театршунослик тадқиқотларида таъкидланганидек, Нодира тиз чўқкидан ўлимни афзал кўрган ва шу билан маънавий ғалаба қозонади. Б.Йўлдошев Сирдарё театри жамоаси билан учинчи марта Т.Тўла асарини саҳналаштиришга киришар экан, драматик поэмани маъно мазмуни дозаларлигини кучайтириш, спектакл шаклини тажрибали расом Сергей Селухин билан замонавий бадиий тафаккур мезонлари асосида ҳал этишни маъқул кўрди. «Бу юрт муқаддас тупроғимдир» спектаклида замонавий режиссура талаблари асосан мусиқий-пластик темпоритм кучайтирилган, муайян бадиий-поэтик хусусиятлар эса сақлаб қоллинган. Шубҳасиз, Т.Тўла драматик поэмасидаги қаҳрамон ва халқ муносабатлари масаласи бу спектаклда ҳам назарда тутилган. Аммо академик драма театри

маънавий куч сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар З.Эшмуратова (Увайсий), А.Юсуфалиев (Амир Насрулло), Ш.Жумаев (Ҳаққули), А.Абдуллаев (Хозик), М.Аскарлов (Ало), артистлар И.Қосимов (Мадалихон), Д.Мирсолиева (Каннзак Пошшоойим), Б.Жумабаева (Каннзак), И.Аллаёров. (Корамирза), Н.Назаров (Ҳожи Фаррух) режиссёр ва расом томонидан маҳорат билан яратилган визуал — тасвирий муҳитда ўз ролларини зарур даражада гавдалантира олганлар Бундан ташқари, мақом усталари, хонандалар (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О.Абдуллаева, артист Б.Мирсаидов) ва созандалар (Ш.Абдуллаев, Р.Юнусова, Л.Маматназарова, Ҳ.Абдуллаев, О.Жоникюлов) ҳам асарнинг гоъвий-бадиий юкни оширишга муносиб ҳисса қўшганлар.

Авал саҳнага қўйилган спектакллардагидек мусиқа ва кўшиқ Сирдарё театри талқини ҳам Нодирабегимнинг ўғли Мадалихон, каннзак Пошшоойим Амир Насрулло билан драматик мулоқот ва тўқнашув ҳолатларида драматик-поэтик муҳитнинг янада ҳажонли, фалсафий тус олишига ёрдам беради. Спектакл томошабинни покликка ундовчи моҳиятига қўра катта аҳамият касб этган. Нодирабегим образи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Маматиллохунова ижодий фаолиятида чинакам маънода юксалиш бўлди. Кўп йиллар мобайнида ушбу ролни ижро этишни орзу қилиб юрган акт-

риса бор имкониятини, иқтидору маҳоратини намоён эта олган.

М.Маматиллохунова бир қарашда, саҳнада, кам ҳаракат образ сифатида таассурот қолдиради. У ўз қаҳрамонини дадил қадамлар, шиддатли юришлар орқали жонлантиришга интилмайди. Унинг қўзлари, имо-ишоралари, ҳаракатлари чуқур маънога эгаллиги билан ажралиб туради. Унинг сўзлари эмас, сўзлаш оҳанги ва сўзсиз ҳолатлари кўпроқ ифодавий, руҳий таъсир-

### Талқин ва таҳлил

га эга бўлиб, айнан шу ҳолатлар асар қаҳрамони характери очилишига хизмат қилган. Ташқи ва ички кучлар, иғвогарлар таъсирида зиддиятли ҳолатга тушиб қолган Нодирабегим ва Амир Насрулло, Мадалихон ва унинг ака-укалари, Нодирабегим ва каннзак Пошшоойим базмида сюжет воқеалари ривожланиши жараёнида бир-бирига тик қараб «суқут» сақлангандек бўлади. Лекин бироз кейинроқ фалокат юз беради — кимдир қатл этилади, кимдир ўлдирилади, кимдир хиёнат қилади. Саҳнада бошқаларга нисбатан шиддатли қадам билан ёки югуриб пайдо бўлиб, гоёиб бўлиб юрувчи каннзак Пошшоойим (Д.Мирсолиева) Нодирабегимни ўлдирмагани учун ўзи худлик билан ўлдирилишини билиб, саҳна орқасидеги рамзли саройга бошини тик кўтариб тез юриб ўтади. Унинг маъноли кўзларидаги, мусиқа билан кучайтирилган даҳшатли ҳаяжонга томошабин ҳамлард бўлади.

Пошшоойим ўлимидан сўнг Ҳаққули фош қилинган ва қонгандан кейин Нодирабегимга Амир Насруллонинг жосуслари амалга ошироқчи бўлган иғво ва сийсий найранг маълум бўлади. Ўғли — Қўқон хони Мадалихон душманлар қўлида кўригочқа айланганини англаб етган малика Нодирабегим она сифатида уни қутқаришга ҳаракат қилади...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳтам Юсуфалиев Амир Насрулло образига кенг қўламада ёндашди. Таърибли актёр режиссёр концепциясига бинона ўз персонажини ойнаган, алолатли, ақлли, қолаверса, маданиятли ҳукмдор сифатида яратди. Ва бундай талқин Нодирабегимга, ўз замонасининг машҳур шоирасига, ўқимишли, маданиятли шахсга муноси душманни жонлантиради, зиддиятлар кучайишига, замонавий тус олишига ва кураш мелодраматизмдан холи бўлишига олиб келади.

Умуман олганда, спектакл режиссурасида Нодирабегим образини нафақат бир актёрса талқини орқали, балки барча актёрлар талқинлари ва мақомчилар ижролари, томошабинлар ишонч орқали энгилмас куч даражасига олиб чиқиш мақсади кўзда тутилган. Спектакл якунида қарама-қарши ўқталган найзалар отилиб чиқиб ҳавода муаллақ ослиб қолиши рамзий маънода урушнинг беманлигини кўрсатади. Нодирабегим сиймоси саҳнанинг тўрида ўрнатилган ва кўтарилаётган осма дарвоза орқасида бир неча дақиқа кўриниши ва бу дақиқа абдиётга муҳрланган.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ, санъатшунослик фанлари номзоди

# КЎШИҚ — МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Узбек онасининг биринчи кўшиги эса бешиқдаги фарзандига айтган аллоси. Гўдак алланин сирли оҳангига маҳлиё бўлиб, йиғиндан тўхтайдиган, ухлаб қолади. Унинг қалбига она аллоси билан меҳрининг, эзгуликнинг ёруш шувълари кириб боради. «Юксак маънавият - энгилмас куч» асарига юртбошимиз айтганидек: «Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизга болалиқдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйда дутор, доира ёки бошқа чолғу асобини бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболага бўлмайди».

Юқорида санаб ўтилган икки кўшиқ, эҳтимол, дунёдаги барча оналарнинг кўшиғидир. Бу икки кўшиқ покиза дил, нафосат ва ҳақиқат, шараф - ҳурмат кўшиғидир. Муқаддас Она кўшиғидир. Учинчи кўшиқ эса маҳдия. У

шундай энгиллик, осонлик билан қилиб бориши, туйғуларни уйғотиб, юракни сел қилиши — демакки, инсонни поклик, яхшилик, эзгуликка орлашди. Кўҳна битиларда рух инсон вужудига куй таъсирида осонгина кира қолган, деб беҳиз нақл қилишмайди... Куй, кўшиқ таъсирида сел бўлган юрак эзгуликни ихтиёр этади. Кўшиқ ишдан яралди, ишдан тугилади. Шу боис ҳам, бир-биринга уйқашдир бу икки сўз... Яратганининг илоҳий бир нъматини — кўшиқ, оҳанг, наво... Шунинг учун ҳам, кўнгилга бир лаҳзада сингиб, ёритиб юборар руҳимиздани...

Турли хил халқаро фестивалларда кузатганимиз, куй-қўшиққа таржимон шарт эмас экан, тили, миллати, дини, иркидан қатъи назар барча инсонлар учун туйунарли, қадри. Дунёда миллат борки, унинг ўзи кўшиғи бор. Бирин миллат вакили ўз созида куй чалиб, хиргойи қилиши билан, бошқа миллат вакиллари ҳам унга қўшилиб жўровоз бўлганла-

очик ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш, «юлдузлик» касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат муҳлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта».

Бу ҳолатни яхши билган «оммавий маданият» вакиллари минглаб, миллионлаб нусхада киллар, дисклар ишлаб чиқаради, тарқатади. Улар ёрдамида ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир этиш пайида бўладилар. Бу ҳолатларни олдини олишнинг яна бир йўли — бадиий жиҳатдан

Яқинда Бухоро шаҳрида музейлар фаолиятига бағишланган Республика Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазири Анвар Жабборов сўзга чиқиб, музейлар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўзлади.

Семинар давомида Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган музейлари фаолиятини ўрганиш юзасидан таҳлилий мулоҳазалар билдирилиб, зарур тадбирлар белгиланди. Шунингдек, К.Беход номидаги санъат музейида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда кўргазма очилди.

Мухтасар ҚАРИМОВА

мукаммал асарлар яратишдир.


Юртимизда кўшиқчилликни ривожлантириш учун кўпгина ишлар амалга ошириляпти. Биз ёшларга ўз истеъдодимизни намоён этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Мумтоз мусиқий меросимизни асраб - авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлод — келажак эгаларига етказиш мақсадида кўпгаб кўрик танловлар, халқаро мусиқа анжуманлари, фестиваллар ўтказилляпти. 2009 йил эстрада йўналиши бўйича «Ниҳол» мукофотида сазовор бўлдим. Бу бизга катта масъулият юкляйди. Ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда миллат муккига айлана оладиган боқий кўшиқлар яратишни орзу қиламан.

Хуришда ЖЎРАЕВА, «Ниҳол» мукофоти совриндори



### РАНГЛАР УЙҒУНЛИГИ

Ёшлар ижод саройида тасвирий санъатнинг навқирон вакиллари билан Диёр Розиковнинг шахсий кўргазмаси намойиш этилмоқда. Кўргазма мавзуси Орол денгизининг экологик муаммоларига бағишланган. Расом заманимиз экологик муаммоларини авангард услубида тасвирлаган.



Мухлиса АБДУРАЗЗОҚОВА

### Кўргазма залларида



### УЙҒОНИШ

Тошкент фотосуратлар уйида таниқли рангтаъсирчи Юрий Зорькиннинг «Уйғониш» номли кўргазмаси очилди. Унда расомнинг дастоҳди рангтаъсир, чизматасвир ва акварелда турли йилларда ишлаган юздан орттиқ асарлари намойиш этилмоқда. Расом кўп йиллар Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти ва бошқа нашрларда китобат санъати билан шуғулланди. Тошкент политехника институтини меъморчилик факултети ва Тошкент театр-расомлик санъати институтини ўқувчилик қилди.

Ю.Зорькиннинг туркум асарлари юртимиз шаҳар ва қишлоқларининг сўлим табияти, оддий ишчиларнинг турмуш тарзи, халқ санъати ва тарихига бағишланган. «Буимнинг ноилари» асаридега ошхона, тандирда нон ётаётган аёл ҳаракатлари табиий жонланди. «Кечки Тошкент», «Метроқувувишлар», «Суглиёна», «Орол», «Баҳор», «Биринчи фарзанд» асарларида ҳам шу руҳни кузатиш мумкин. Расомнинг асарлари Ўзбекистон музейлари тўпламлари, Англия, Болгария, Германия, Франция, Япония ва бошқа давлатлар галерияларидан ўрин олган.

С.ҚОСИМОВА

Болалигим унчалик тўкин-сочинликда ўтмаган. Отам оддий сувчи, онам эса уй бекаси эди. Лекин ҳар тугул қорим тўк, устим бут бўлган. Бир нарсани мароқланиб эслаيمان: уйимизда навбатдан ташқари байрамлар кўп бўлиб турарди. Аниқроқ қилиб айтсам, эшигимиздан яқин ё узоқ қариндошми, таниш ёки нотаниш кишининг кириб келиши биз учун росмана байрамга айланган кетарди.

— Тез далага югур, отанга уйимизга меҳмон келди деб айт, — дея тайинлаган онам меҳмоннинг кимлигини айтиб ҳам ўтирмасди.

Мен хушхабарни етказиб суюнчи оладигандек оёғимни қўлимга олиб чопардим. Отам ҳам келган меҳмоннинг кимлигини кўпда суриштириб ўтирмасди. Мухими, меҳмон келган. Иш ўз йўлига, бориши керак.

Биз уйга етиб келганимизда онам аллақачон бирон тансиқ таом тайёрлаш ниятида ўчоқ бошида куймаланаётган бўларди. Энг ажабланишли, меҳмоннинг олдига ёзилган дастурхондаги ноз-неъматларни кўриб осгимизнинг таноби чочарди. Ҳам ҳайратим ошарди. Шунча нарса бизнинг уйда бўлиши мумкин эмас. Ахир, кунни кечагина онам отамга: «Қачон маош оласиз? Рўзғорда ёғ, гўшт, ҳатто чой ҳам тугади», деяётгани кулоғимга чалингандай эди. Демак, онамнинг ҳар доим меҳмон учун тишиниқ ковагида асраб қўйганлари бўлган. Етмаганини кўни-қўшнилардан қарага олган. Нима бўлган тақдирда ҳам меҳмоннинг ҳурмати жойига қўйилади.

Яна мен гижинглаган тойчоқдек хизматга шай турардим.

— Кувондик, — дерди отам, — энди қўшниларниги кириб чиқ. Бизникига меҳмон келди, дегин. Яна бирон-таси бехабар қолиб ўпқалаб юрмасин. Оғзим қўлгимда, яна кўчага югурман. «Ура, бизникига меҳмон келди!» Вазифамни удалаб қайтганча, орадан кўп ўтмай, қўшнилар уйимизга биринкетин кириб келишарди. Келганда ҳам қуруқ қўл билан эмас, меҳмонга аталган бирон таом билан. Ошу об еб-ичиб бўлингач, мен елкамда сочик, қўлимда офтоба билан секингина меҳмонхонага кираман. Яна бир гап: бошқа пайтлари ҳам бу хона безатилган туради. Фақат онам тўполон қилишимиздан чўчиб меҳмонхонага киришимизга рухсат бермайди.

Хуллас, отам: «Энди ёш болалигинг қолмади. Уйимизга меҳмон келганида қўлга сув қўйиб дуосини ол. Сабо бўлади», деб тайинлаган. Дарҳол ишга киришаман. Тартиб-қоидасини келтириб хизматимни ўринлатаман.

«Баракалла, кўп яша!», дейишарди менга. Ич-ичимдан севинсам-да, талтайиб кетмайман.

Сўнг гурунг бошланади. Қўлоқ солгим келади. Аммо менга катталарнинг гапини эшитиш мумкинмас. Бирон нарсаси керак бўлса, отам: «Кувондик», деб овоз беради. Дарҳол бажараман. Базан эшитмай қолгудек бўлсам, «Кўз-қўлоқ бўлиб тургин-да! Меҳмондан уятга қолмайлик», деб отам тайинлаб

— Ҳозир Алимардонникида, кейин Холматникига ўтади. — Ахир, мен овқат тайёрлаб ўтирибман. — Ҳа, энди уларнинг ҳам меҳмон кўнглини овлагиси келади-да. Мен бирровга уйдан хабар олгани келувдим. Ҳўп, меҳмоннинг ёнида бўлишим керак, — деб отам шоша-пиша ортига қайтади.

Эртаси, индини ҳам шу ахвол такрорланаверади. Уйимизга келган меҳмон зўрға зарур ишлари борлигини

кетади. Ниҳоят, қўшнилар уй-уйига таркала бошлайди.

— Эрталаб нонуштани бизникида қиламиз, — дейди биттаси кетаётиб



меҳмонга.

— Кейин бизникига ўтасиз, — дейди яна бирови.

— Ахир, сен эртага шаҳарга бормоқчи эдинг-ку, — эътироз билдиради унга ёнидаги киши.

— Э, шаҳар бўлса қочиб кетмас. Бу ёқда меҳмон турганда...

Мен ҳайрон қоламан. Меҳмон уларнинг қай бириникига кириб-чиқшига улгуради? Менинг меҳмонга яна бир хавас қиладиган томоним бор. У юмшоққина кўрада, пар ёстиқда мазза қилиб ётади...

Уйкуга кетишидан олдин отам менга яна тайинлайди:

— Эртага фалончининг ўғли уйкучи экан, деган гапга қолиб юрмайлик. Меҳмон юз-қўлини ювиши учун илқ сув тайёр турсин.

Тонг ёришар-ёришмас онам ишга киришиб кетади. Тендирдан ҳазиргина

узилган иссиқ нон, сигирнинг янги соғилган сүти меҳмонга мунтазир.

Бир пайт қўшниларимиздан бири меҳмон ва отамни уйига эргаштириб кетади. Шу кетганча кечки пайт дарвозадан отам ёлғиз ўзи кириб келади.

— Меҳмон қани? — дейди онам ҳайрон бўлиб.

— Ҳозир Алимардонникида, кейин Холматникига ўтади.

— Ахир, мен овқат тайёрлаб ўтирибман.

— Ҳа, энди уларнинг ҳам меҳмон кўнглини овлагиси келади-да. Мен бирровга уйдан хабар олгани келувдим. Ҳўп, меҳмоннинг ёнида бўлишим керак, — деб отам шоша-пиша ортига қайтади.

Эртаси, индини ҳам шу ахвол такрорланаверади. Уйимизга келган меҳмон зўрға зарур ишлари борлигини

кетади. Ниҳоят, қўшнилар уй-уйига таркала бошлайди.

— Эрталаб нонуштани бизникида қиламиз, — дейди биттаси кетаётиб

айтиб, кетишга рухсат олади. Шунда ҳам янаги сафар келганида бемалолроқ бўлиб келиш шурти билан.

Отам анча кўп дастурхон атрофида меҳмонни қандай кутиб олганимизни ёдга олиб, кўнгли тўлмаган жойлари бўлса, афсусланиб ҳам қўяди... Яна бир одатлари «меҳмон отаю ҳудо, уйга келган меҳмоннинг ризқини Яратганнинг ўзи беради», деган пурмазно сўзларни дам-бадам такрорлаб турарди.

Орадан йиллар ўтди, уйландим, бола-чақалиман. Худога шукр, топиш-тутишимдан нолимайман. Фақат баъза уйимга келган меҳмонни рисоладагидек кутиб ололмаётганимдан дилим хира тортади. Ҳолбуки, ҳамма нарсама етарли. Аммо ҳар сафар меҳмон кутган пайтларимда нимадир етишмаётгандек бўлаверади. Нима... Билмадим...

Орадан йиллар ўтди, уйландим, бола-чақалиман. Худога шукр, топиш-тутишимдан нолимайман. Фақат баъза уйимга келган меҳмонни рисоладагидек кутиб ололмаётганимдан дилим хира тортади. Ҳолбуки, ҳамма нарсама етарли. Аммо ҳар сафар меҳмон кутган пайтларимда нимадир етишмаётгандек бўлаверади. Нима... Билмадим...

Орадан йиллар ўтди, уйландим, бола-чақалиман. Худога шукр, топиш-тутишимдан нолимайман. Фақат баъза уйимга келган меҳмонни рисоладагидек кутиб ололмаётганимдан дилим хира тортади. Ҳолбуки, ҳамма нарсама етарли. Аммо ҳар сафар меҳмон кутган пайтларимда нимадир етишмаётгандек бўлаверади. Нима... Билмадим...

Орадан йиллар ўтди, уйландим, бола-чақалиман. Худога шукр, топиш-тутишимдан нолимайман. Фақат баъза уйимга келган меҳмонни рисоладагидек кутиб ололмаётганимдан дилим хира тортади. Ҳолбуки, ҳамма нарсама етарли. Аммо ҳар сафар меҳмон кутган пайтларимда нимадир етишмаётгандек бўлаверади. Нима... Билмадим...

«Мозийга қўйиб иш қўйиб хайрилик», дейдилар. Аслида, «ҳашар»

сўзи, унинг маъно ва мазмуни эскирганча йўқ. «Ҳашар — бирор ишни биргаликда бажаришда жамоатчилик томонидан бериладиган ихтиёрий ёрдам». Изоҳи шундай. Лекин биргина шу сўз замирида одамгарчилик ҳам, меҳр-оқибат ҳам, ҳолис хизмату сабов ҳам бор.

Бобомдан эшитганим бор: илгари одамлар бошқачароқ бўлишган экан. Содароқми... андироқми... Фирромлик нималигини билишмаган. Ҳар бир нарсанинг ортидан манфаат қилиришмаган, дейиш ҳам мумкин.

Масалан, кимдир иморат қуришни бошласа, биргина давват кифоя. Уйма-уй кириб юриш шарт эмас. Бутун қишлоқ аҳли худди тўйга бораётгандек ёлпасига ҳашарга келаверишган. Ҳашар деганда ўзларнинг юмушларини бир четга қўя туришган. Кимдир лой қорган, яна кимдир паҳса урган. Хуллас, кимнинг қўлидан нима иш келса, уннайверган. Ўз уйидагидек жон қўйдириб меҳнат қилган. Иморат қад ростлагач, навбат ҳашарнинг ошарига. Ҳашарчилар бир дастурхон атрофида ўтиришиб, еб-ичиб, хурсандчилик қилишган.

Ҳашар ҳам ўзига хос бир байрам! Ҳашар — одамларнинг бир-бирига жипслиги тимсоли, меҳр-оқибат рамзи.

Отам бир гапни тез-тез такрорлайди:

— У пайтда сен тугилмаган эдинг. Мана бу уйни бир ҳафтада қуриб битказганмиз. Ўзим қишлоқдан ҳашарга келмаган одам қолмагани.

Чамамда отам ишининг тез ва сифатли битганидан ҳам кўра, одамларнинг ҳашарга кўп келганидан фахрланарди. Шу бондан гурур билан гапирарди.

Мен эса саккиз хонали, олди айвонли иморатнинг бир ҳафта ичида қад ростлашнинг унчалик тасаввуримга сийдирилмайдим. Лекин шунга аниқ билманки, отам ёлгон гапирмайди.

У пайтлари хали мактаб ўқувчиси эдим. Бир-биримизникига бориб, томорқалда ўт-ўлан ўрардик, деворни лойсувоқ қилардик. Биргаликда меҳнат қилишнинг завқ-шавқини ўшанда ҳис этганман. Бола бўлганимиз, кучимиз ҳам, ўқувимиз ҳам шунга яраша. Бирон ишни қўйилмақом қилиб бажара олганимизга кўзим етмайди. Бироқ ҳеч ким бизни шаштимишдан қайтармас, аксинча, дала беради. Ишдан сўнг меҳмондорчилик қилишни, бир-биримизга қайта-қайта раҳмат айтишни унутмасдик. (Энди ўйлаб кўрсам, мана

Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижроси борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида соҳа мутахассисларининг фикрларини «Инсонпарварлик ва баргикенглик намунаси» мақоласида ўқийсиз.

Тил миллат мавжудлигининг бош белгиси, миллий бйрликнинг тамали саналади. Таникли олим Низомиддин Маҳмудовнинг «Муқаддас тимсолимиз» мақоласида она тилимизнинг бекиёс имкониятлари, ҳуқуқий демократик давлатда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини модернизация қилишда ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши нечоғли аҳамият касб этгани ҳақида мушоҳада юритилади.

Бундан ташқари, журналнинг ушбу сонидан ўрин олган «Судья — адолат посбони», «Умр — оқар дарё...» мақолалари, «Бир аёлнинг ҳийласи» номли суд очерки ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши тайин. Андижон вилояти суд-ҳуқуқ органлари фаолиятига доир ҳамда тадқиқотчиларнинг миллий ҳуқуқшунослик ривожига бағишланган туркум мақолалари журнал мундарижасининг ранг-баранглигини оширган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2010 йили вазирлик тасарруфидаги Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида мусиқа чолғуларини харид қилиш бўйича ўтказилган тендер савдоларининг 1,2 ва 3-лотлари бўйича «Rowton Finance LTD» компанияси (Англия) қолиб, деб топилганини эълон қилади.

Ташкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Sportlotto LTD», МЧЖ кўша корхонаси, «Sportlotto LTD», МЧЖга айланганлигини маълум қилади. Даволаб 241-05-04, 241-33-26 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани БТИ томонидан Олмачи тип 4-коттедж Алиева Матлюба Абдуллоевна номига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари, (уй плани) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани БТИ томонидан Олмачи тип 4-коттедж Алиева Матлюба Абдуллоевна номига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари, (уй плани) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани БТИ томонидан Олмачи тип 4-коттедж Алиева Матлюба Абдуллоевна номига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари, (уй плани) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани БТИ томонидан Олмачи тип 4-коттедж Алиева Матлюба Абдуллоевна номига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари, (уй плани) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани БТИ томонидан Олмачи тип 4-коттедж Алиева Матлюба Абдуллоевна номига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари, (уй плани) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани БТИ томонидан Олмачи тип 4-коттедж Алиева Матлюба Абдуллоевна номига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари, (уй плани) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани БТИ томонидан Олмачи тип 4-коттедж Алиева Матлюба Абдуллоевна номига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари, (уй плани) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани БТИ томонидан Олмачи тип 4-коттедж Алиева Матлюба Абдуллоевна номига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари, (уй плани) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани БТИ томонидан Олмачи тип 4-коттедж Алиева Матлюба Абдуллоевна номига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари, (уй плани) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

шу ҳашар орамиздаги дўстлик риштасини мустаҳкамлаган экан.)

Ҳашарда иштирок этмаган, меҳнатдан бўйин товланган айбдорни жўрачликдан четлаштирар, сафимизга қўшмай қўярдик. Мана шу жазонинг ўзи унга етарли эди...

Кишлоғимизда Сафар деган киши бўларди. Исмига негалир ҳамма «тоға» сўзини қўшиб айтарди. Ташбул бойвачча деган киши билан иккиси доим ит-

лат отахон гапнинг эмас, ишнинг кўзини биларди. Ўзи кўп йиллар давлат идораларида хизмат қилган, ташкилотчилик қобилияти зўр. Нафақага чиққанидан сўнг, у кишини қўярда-қўймай маҳалла оқсоқоллигига сайлашди. Малик бобо бирон хайрли ишни бошламоқчи бўлса, одамларни тўлаб уундан-узоқ маъруза қилиб ўтирмасди. Ўзи шахсий намуна кўрсатарди.

Масалан, маҳаллада ҳеч кими йўқ

кампирининг нураган уйини татмирлаш керак. Малик бобо қўлга зарур асбоб-анжомларни олади-да, кампирникига бориб ишга киришарди. Буни кўриб, одамлар ўз-ўзидан ҳашарга келаверили.

Маҳаллани ободонлаштиришда ҳам Малик бобонинг ҳиссаси катта эди. Бу тиниб-тинчимас қария бир қарасангиз, ариқ-зовурни тозадаётган, бир қарасангиз, йўл четига қўчат ўтқазаётган бўларди. Энди айтишнинг, ёши улғу отахоннинг меҳнатига бошқалар жимгина томошабин бўлиб ўтира олишадими? Ҳечамда! Биров уйдан кетмон, биров белкуррак кўтариб чиқиб, оқсоқолнинг ёнига қўйилади.

— Ҳорман!

— Бор бўлинг!

— Бир оғиз айтганингизда, ҳар қандай ишни ўзимиз бир ёқли қилардик!

— Ҳа, энди... ҳамма ҳам бизга ухшаб бекорчи эмас. Малол келмасин, дейман-да!

Ортиқча гап-сўз йўқ. Шу тариқа ҳашар бошланиб кетади. Кўпчиликнинг олдида иш дегани ҳам гап бўлибдими?! Ҳангома, ҳазил-хузул билан қанчадан-қанча юмушнинг битгани сезилмайди. Қайфияти чоғ одамлар чарчоқ нималигини билишмайди ҳам.

Ҳозир Сафар тоға орамизда йўқ. Малик оқсоқол ҳам оламдан ўтиб кетган. Домла Ниёзов бир неча йил бурун вафот этди. Назаримда, ўша пайтлардаги меҳр-оқибат, самимият уларнинг ўзи билан ўтиб кетгандек... Шундай дейман-у, ўйланиб қоламан. Хали ҳам бунақа яхши одамлар орамизда кўп! Шунинг ўзиёқ удумларимизнинг бардавонлигидан дарак бермайдими?!

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

Суюндик МАМИРОВ

## ОБУНА — 2011

Тошкент шаҳрида жойлашган қуйдаги матбуот дўконлари орқали ҳам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна бўлишингиз мумкин:

### ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

- 227-матбуот дўкони — Алишер Навоий кўчаси, «Ўрда» автобус бекатида.
- 262-матбуот дўкони — Алишер Навоий кўчаси, Архитектура ва қурилиш институти ёнида.
- 231-матбуот дўкони — Алишер Навоий кўчаси, «Марказий телеграф» ёнида.

### ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

- 278-матбуот дўкони — Амир Темури кўчаси, Олий бозори ёнидаги автобус бекатида.
- 219-матбуот дўкони — «Бобур» боғи қаршида.
- 273-матбуот дўкони — Усмон Носир кўчаси, 46-уй олдида.

### ЮНУСОБОД ТУМАНИ

- 237-матбуот дўкони — Амир Темури кўчаси, «Қозғонистон» кинотеатри ёнида.
- 264-матбуот дўкони — Амир Темури кўчаси чорраҳасида.
- 191-матбуот дўкони — Аҳмад Дониш кўчаси, Деҳқон бозори ёнида.
- 238-матбуот дўкони — Амир Темури кўчаси, «Универсам» бекати ёнида.

Тошкент транспорт инженерлар институти томонидан 2009 йил В 428374 рақам билан Усманов Дирхон Мурадхонвич номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«СЕЙКЕР TASHKENT TEKSTIL» МЧЖ ўз устав фонди 147000 АҚШ долларидан 6125 АҚШ долларга камайганлигини маълум қилади.

СВТ «MONOLIT» дала ҳовлисига тегишли №57, №58 рақамли участкалар қаровсиз ҳолатга келгани учун бир ой ичида бошқа одамга ободонлаштириш учун берилади.

СВТ «MONOLIT» раиси Р.М.Чиниқулов.

ТАТУ томонидан 2007 йил Хомидов Мухаммад-Ризо Ҳақимович номига берилган 47 Т 145 рақамли ретинг дафтраси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Бизнинг касбимиз бўйича иш ҳақи тўлашга маблағ ва иш ҳажми йўқлиги сабабли Юнусобод туманидаги «SHANRIZODA COLLECTION» МЧЖ (инн-300888975) ўз-ўзини тугатганлигини маълум қилади. Даволаб 2010 йилнинг 10 декабр кунига Фани Мавлонов кўча 3-уй,

## «HUQUQ va BURCH»

2010 йил, 10-сон

БМТ Бош Ассамблеясининг шу йил сентябр ойида бўлиб ўтган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлиси ва унда Президентимизнинг сўзлаган нутқи мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда. «HUQUQ va BURCH» журнаlining ушбу сонида мазкур мавзуга оид бир неча мақола эълон қилинган. Жумладан, Жаҳонгир Наҳоновнинг «Эгу мақсадлар йўлида ҳамкорлик — дунё халқларининг муштарак орзуси», Тоҳир Ташбеовнинг «Орол дарди — олам дарди» мақолаларида Юрбошимизнинг нуфузли анжуманида дунё жамоатчилигига ҳавола қилган тақдир ва ташаббуслари, уларнинг минтақа ва дунё ахли тақдирига дахлдорлиги хусусида сўз боради.

Журналда, шунингдек, долзарб экологик муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган «Минтақавий экологик муаммолар ва миллий устуворлик» мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда ҳам мазкур соҳадаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қаламга олинган.

112-хонадонда қабул қилинади. Тел-470-60-50.

В результате с ликвидации ТЧЖ «OLMOS KOMMUNALCHI TA MIR» с ТЧЖ «LOLA KOMMUNALCHI» ТЧЖ «OLMOS KOMMUNALCHI» ликвидирован и все право передано к ТЧЖ «LOLA KOMMUNALCHI» Мирзо-Улугбекского р-на.

Общество с ограниченной ответственностью ООО «GEN-AZIYA-ALEKS-TRADE» зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов